O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI SHAROF RASHIDOV TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2022 - yil 23 - fevral 60-3-46-Q/22 Sharof Rashidov tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сонли қарори ижроси тўғрисида

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, туманимизнинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сонли қарори, ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 18 февралдаги 837-3-0-Q/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сонли фарори, ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 18 февралдаги 837-3-0-Q/22-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни

аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилансин:

а) умумий ўрта таълим муассасаларида:

Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасалари таъминланиши лозим бўлган миллий мусиқа чолғулари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Бунда;

келтирилган миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш кўникмалари ўргатилади.

б) туман умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал муассасаларида:

Ўзбекистон давлат филармонияси ва туман маданият бўлими томонидан бошқа маданият муассасалари билан ҳамкорликда лекторий концертларини ўтказиш йўлга қўйилиши;

лекторий концертларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари (умумий ўрта таълим муассасаларида) ва бюджетдан ташқари маблағлар (профессионал таълим муассасаларида) ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан далолатнома асосида молиялаштирилади;

в) Туман умумий ўрта таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият бўлими:

2022 - 2024 йилларда умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият бўлимини 3 тадан миллий чорғу асбоблари тўпламлари билан таъминлаш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

миллий мусиқа чолғулари тўпламлари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

миллий мусиқа чолғулари тўпламлари туман Маданият бўлими ва Халқ таълими бўлими томонидан марказлашган тартибда харид қилинади ва тегишли давлат муассасаларига етказиб берилади, бунда харид комиссиясининг таркибига миллий мусиқа чолғуларида куй ижро эта олувчи юқори малакали мутахассислар киритилади, чолғулар улар томонидан синаб кўрилади;

г) ҳар йили:

ўқувчилар ва талабалар ўртасида “Таълим муассасалари” кесимида маданият ва санъат соҳасидаги кўрик-танловларини ташкил этиш 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

кўрик-танловларининг туман босқичида тегишли таълим муассасаси

жойлашган маҳалладаги ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш Ёшлар етакчилари ва маданият бўлими зиммасига юклансин.

3. Мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Туман Халқ таълими бўлими **(**Д.Носиров**)** 2022 йил 1 июнга қадар:

ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаларида директор буйруғи билан амалий тўгараклар ташкил этилишини, бу ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хабардор қилинишини таъминласин;

умумий ўрта таълим муассасаларида мусиқа фани ўқитувчиларига бўлган талаб ва келгусидаги эҳтиёжни мунтазам равишда таҳлил қилиб борсин, заруратга кўра, туман Маданият бўлими билан биргаликда мусиқа фани ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасаларига буюртмалар бериб борсин;

б) Туман Маданият бўлими (Р.Суяров) икки ой муддатда:

мусиқий саводхонликни оширишга қаратилган лекторий концертларининг бадиий дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

мусиқа чолғуларини ишлаб чиқарувчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур қарорнинг 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий мусиқа чолғуларини ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан вилоят Маданият бошқармаси таклиф киритсин.

4. Туман Маданият бўлими бошлиғи Р.Суяров:

а) 2022 йилда туман миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси (кейинги ўринларда –2022 йил учун календарь режа) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

б) Туман Маданият бўлими (Р.Суяров) туман ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари орқали, шу жумладан, тадбир ўтказиладиган ҳудудлар аҳолисини камида икки ой олдин хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин;

в) 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши учун зарур ташкилий масалаларни ҳал қилсин,ўзаролик тамойили асосида ўз ҳудудида фаолият юритаётган маданият муассасалари жамоаларининг билан хамкорликда “Маданият кунлари” тадбирларини самарали ташкил этилишини таъминласин;

г) Юксак бадиий савиядаги аудиовизуал асарларга давлат буюртмаларини жойлаштиришда уларнинг миллий адабиёт ва шеъриятимизнинг нодир дурдоналари асосида яратилиши, истеъдодли ижодкорлар томонидан

маҳорат билан бадиий ўқиш, монолог ва бошқа шаклларда, шунингдек, хорижий тилларда ижро қилинишига, алоҳида эътибор қаратсин;

д) Ҳар ойнинг 25-санасига қадар барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва хўжалик жамиятларига улар жойлашган ҳудудда келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳақида маълумот бериб борсин.

д) Туризм ва спорт бўлими (А.Хайруллаев) 2022 йил учун календарь режага киритилган тадбирларни маҳаллий ва хорижий туристлар орасида кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин, туристлар оқимининг ўзгаришини инобатга олиб календарь режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни доимий равишда туман Маданият бўлимига тақдим этиб борсин.

5. Тумандаги бурча давлат органлари, бўлим ва ташкилотлари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларига:

ҳар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, концерт, цирк ва театрларга кириш учун билет ва абонементларни харид қилиш амалиётини жорий этсин.

6. Туман молия бўлими бошлиғи Х.Эргашевга;

а) Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган маданият ва санъат соҳаси вакилларига ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия берилиш бўйича таклиф киритсин;

б) Маданият бўлими тузилмасидаги намунавий мақом ансамбллари негизида амалдаги молиялаштириш тартиби ва штат бирликлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбек миллий мақом санъати марказининг туман бўлимни ташкил этиш чоралари курилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари Т.Пардаев:

2022-2023 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл-харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Пардаев зиммасига юклансин.

Туман хокими **М.Холбутаев**

Шароф Рашидов туман
ҳокимининг
2022 йил 23 февралдаги
60-3-46-Q/22-сон қарорига
1-илова

Туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасалари таъминланиши лозим бўлган миллий мусиқа чолғуллари

РЎЙХАТИ

1. Дутор
2. Дўмбира
3. Доира
4. Танбур
5. Рубоб
6. Ғижжак
7. Най

Изоҳ: Ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ушбу рўйхатда келтирилмаган бошқа мусиқа чолғуларида куй ижро этиш кўникмалари ўргатилиши ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчининг қўшимча ўрганган, шу жумладан ушбу рўйхатда келтирилмаган мусиқа чолғуларида куй ижро этиш кўникмасига эгалиги ҳақида ҳам унинг таълим тўғрисидаги ҳужжатига тегишли қўшимча қайд киритилади.

Шароф Рашидов туман ҳокимининг
2022 йил 23 февралдаги
60-3-46-Q/22-сон қарорига
2-илова

2022 - 2024 йилларда умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият марказларини 7 та дан миллий чолғу асбоблари тўпламлари билан таъминлаш
РЕЖА-ГРАФИГИ

Т.р	Ташкилотлар номи	Жами харид қилинадиган чолғу асбоблари сони	Умумтаълим мактаблари учун				Болалар мусиқава санъат мактабиучун				Мадания тмаркази учун			
		Жами 200	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	1 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
2	2 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
3	3 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
4	4 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
5	5 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
6	6 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
7	7 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
8	8 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
9	9 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
10	10 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
11	11 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
12	12 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
13	13 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
14	14 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
15	15 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
16	16 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
17	17 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
18	18 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0

19	19 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
20	20 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
21	21 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
22	22 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
23	23 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
24	24 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
25	25 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
26	26 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
27	27 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
28	28 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
29	29 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
30	30 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
31	31 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
32	32 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
33	33 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
34	34 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
35	35 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
36	36 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
37	37 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
38	38 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
39	39 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
40	40 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
41	41 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
42	42 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
43	43 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
44	44 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
45	45 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
46	46 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
47	47 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
48	49 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
49	50 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
50	51 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
51	52 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
52	53 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0

53	54 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
54	55 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
55	56 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
56	57 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
57	58 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
58	59 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
59	60 мактаб	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
60	Баркамол авлод болалар маркази	3	3	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
61	Болалар мусиқа ва санъат мактаби	10	0	0	0	0	10	3	3	4	0	0	0	0
62	Маданият бўлимии	10	0	0	0	0	0	0	0	0	10	3	3	4
	Жами	200	180	60	60	60	10	3	3	4	10	3	3	4

Изоҳ:Ҳар бир таълим муассасаси 3 йилда домида ҳар йили бир тўпламдан чолғулар билан таъминланади. Ҳар бир таълим муассасасида мавжуд чолғулар хатловдан ўтказилади, хатлов натижасига кўра мазкур режада белгиланган чолғулар сони ўзгариши мумкин.

Шароф Рашидов туман ҳокимининг
2022 йил 23 февралдаги
60-3-46-Q/22-сон қарорига
3-илова

2022-2023 йилларда Шароф Рашидов туманида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича

ЙЎЛ-ХАРИТАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Маданият ва санъат соҳасида қонунчилик базасини янада такомиллаштириш					
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон қарорининг 3-бандида (тегишли иловаларда) белгиланган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида 2022 йилда ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерттомоша тадбирларининг йиллик календарь режасини тасдиқлаш. Ушбу календарь режани тасдиқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 98-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига риоя қилиш. 2023 йилда ва келгуси йилларда ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаларини тасдиқлашда бундай тадбирлар 2022 йилда белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилишини назарда тутиш.	Чора-тадбирлар режаси	2022 йил март	-	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*, Ички ишлар бўлими *(Ў.Асқаров)*, Молия бўлими *(Х.Эргашев)*
II. Маданият ва санъат муассасаларининг фаолияти мазмундорлигини ошириш					
2.	Умумтаълим мактаблари ва маданият марказларида «Мактабда маданият маркази» лойиҳаси асосида ихтиёрийлик асосида шартнома билан тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил март ойидан бошлаб мунтазам	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*, Халқ таълими бўлими *(Д.Носиров)*,
3.	Тумандаги ҳарбий қисм ва муассасаларида мақом ва бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш. Ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, улар учун мақом ва бахшичилик санъати бўйича маҳорат дарслари ва тўгараклар ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил март ойидан бошлаб мунтазам	Ижрочилар маблағлари	Мудофаа ишлари бўлими *(К.Тошпулатов)*, Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,
4.	Маданият ва санъатнинг барча йўналишларини қамраб олувчи қуйидаги: «Истеъдодлар камалаги» имконияти чекланган иқтидорли ёшлар кўрик-танловини; «Янги Ўзбекистоннинг Янги тароналари» иқтидорли ёшлар кўрик-танловини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йилдан бошлаб ҳар йили: апрель - ноябрь май - декабрь	Маданият вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида, ижрочиларнинг ўз маблағлари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*, Халқ таълими бўлими *(Д.Носиров*
5.	Таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг мусиқий саводхонлигини ошириш мақсадида шартнома асосида лекторий концертларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил апрель	Таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*, Халқ таълими бўлими *(Д.Носиров)*,
6.	Туманда битта кўчма цирклар *(шапито, дорбозлар гуруҳлари)* ҳамда ҳайвонот боғларини ташкил этиш ва доимий фаолият юритишини таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил декабрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари *(М.Эргашев)* ҳокимининг ўринбосари *(Т.Пардаев)*, Молия бош бўлими *(Х.Эргашев)*, Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-112-сон қарорда белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида вилоятнинг **ҳар бир шаҳар, туман бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.** Жумладан, бунда жумладан: маҳаллалар кесимида 2022 йилда ўтказиладиган маданий-маърифий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режасини тасдиқлаш; ҳудудлардаги маданият ва санъат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш; ҳудудлардаги жамоалар, санъаткор ва маданият ходимларини қўшимча рағбатлантириш; маданият ва санъат муассасалари ва умумтаълим мактабларида тегишли тўгараклар фаолияти самарали ташкил этишга кўмаклашиш; маҳаллалар, умумтаълим мактаблари ҳамда маданият ва санъат муассасаларида фаолият юритаётган ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурларини ташкил қилиш.	Ижрочилар қарорлари ва бошқарма ва ташкилот буйруқлари	2022 йил февраль	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,

8.	Ҳар бир шаҳар, туманда биттадан маданият ташкилоти фаолиятини намунали ташкил этиш ва уларнинг илғор тажрибаларини республика бўйича оммалаштириш. Энг яхши маданият ташкилотлари вилоят танловини ташкил этиш ва уларни муносиб рағбатлантириш. Республика танлови ғолиби бўлган маданият ташкилотларига аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун махсус автотранспорт воситаси ажратиш.	Амалий чора-тадбирлар	Намунали ташкил этиш - 2022 йил октябрь, танлов ташкил этиш - 2022 йил декабрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,
III. Маданият муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш					
9.	1.Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган маданият ва санъат соҳаси вакилларига ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш 2.Маданият бўлими тузилмасидаги намунавий мақом ансамбллари негизида амалдаги молиялаштириш тартиби ва штат бирликлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбек миллий мақом санъати марказининг туман бўлимни ташкил этиш .	Амалий чора-тадбирлар	2022 — 2024 йил	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик хайрияларн, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар	Туман хокимининг ўринбосари *(Т.Пардаев)*, Молия бош бўлими *(Х.Эргашев)*, Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,
10.	Туманда “Дорбозлар” гуруҳлари фаолиятини кўллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда республика бўйлаб гастроль сафарларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022-2023 йиллар	маҳаллий бюджет маблағлари	Туман ҳоким ўринбосари *(Т.Пардаев)* Маданият бўлими *(Р.Суяров)*,

Шароф Рашидов туман
ҳокимининг
2022 йил 23 февралдаги
60-3-46-Q/22-сон қарорига
4-илова

Ўқувчилар ва талабалар ўртасида “таълим муассасаси ” кесимида маданият ва санъат соҳасидаги туман кўрик-танловларини ташкил этиш

РЎЙХАТИ

Т/р	Кўрик-танлов номи	Таълим муассасаси босқичи	Туман босқичи	Ўтказиш учун масъул
1.	**“Санъатим сенга, обод юртим!”** ижодий кўрик-танлови	март	март	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
2.	**“Ёшлар овози”** танлови	март	апрель	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
3.	**“Камалак юлдузлари”** болалар ижодиёт фестивали	март	апрель	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
4.	**“Ранглар жилосида — она диёр”** расмлар танлови	апрель	май	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
5.	**“Ёш ҳаваскорлар”** амалий санъат кўрик-танлови	сентябрь	сентябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
6.	**“Ёш мақомчилар” танлови**	сентябрь	сентябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
7.	**“Халқ чолғулари ижрочилари”** кўрик-танлови	сентябрь	октябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
8.	Мукаррама Турғунбоева номидаги **миллий рақс ижрочилари** кўрик-танлови	сентябрь	октябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
9.	Ботир Зокиров номидаги **замонавий эстрада қўшиқчилар** танлови	сентябрь	октябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими
10.	**Болалар ва ёшлар театр жамоалари** танлови	сентябрь	октябрь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими

11.	**“Ёш ижрочилар”** танлови	декабрь	январь	**Маданият бўлими,** Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Халқ таълими бўлими

Изоҳ: *Маданият бўлими,Халқ таълими бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, барча тадбирларни юқори савияда ўтказиш бўйича масъул ҳисобланади.*

Туман маданият бўлим ва ташкилотлар билан биргаликда тадбирларни таълим муассасаси, туман босқичларини юқори савияда ташкил этади.

Кўрик-танловлар масъул туман маданият бўлими ва халқ таълими бўлимининг буйруғи билан бошқа муддатларда ўтказилиши мумкин.